# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 2 май, № 85 (6015) Жума


# «ФАВВОРАЛАР САЙЛИ»



1 май куни Тошкент шаҳрида ўтказилган шу номдаги ёшлар оммавий-маданий тадбирлари барчага унутилмас шодликларни бахш этди.



ЭЗГУЛИК



"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Маънавият тарғибот маркази ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирларда кенг жамоатчилик вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиблари, Президент стипендиантлари, турли номдор стипендиялар совриндорлари, спортчилар, таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли ва фаол ўқувчи-талабалар ҳамда пойтахтимиз меҳмонлари иштирок этишди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги "Тошкент шаҳрида "Фавворалар сайли" ёшлар оммавий-маданий тадбирларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ уюштирилган мазкур сайил барча-барчада катта қизиқиш уйғотди.

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИР

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш борасидаги лойиҳалар ижроси, шунингдек, қулай ишбилармонлик муҳити Наманган вилояти иқтисодий салоҳияти тобора юксалишида алоҳида аҳамият касб этаётир .*

## Саноат маҳсулотлари кўргазмаси

Бу вилоят марказида ўтказилган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида ҳам кўзга яққол ташланди.

Айтиш жоизки, наманганлик ишлаб чиқарувчилар истеъмол бозорини импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришда фаол иштирок этмоқдалар. Буни, масалан, жорий йилга келиб вилоятда тайёр маҳсулотлар тури 53 тага етгани, бош кийимлар, эркаклар кўйлаклари, пайпоқ, пойабзал, парфюмерия ва чарм маҳсулотлари, пластмасса буюмлар, сантехника жиҳозлари, автомобиль фаралари ҳамда бошқа кўплаб маҳсулотлар маҳаллий шароитда тайёрланаётганида ҳам кўриш мумкин. Еттинчи бор ўтказилаётган саноат ярмаркасида 210 дан зиёд хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2200 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар кўргазмага қўйилди. Улар билан танишиш ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун ишлаб чиқариш, савдо ва таъминот корхоналарининг 4,5 мингдан кўпроқ вакили ташриф буюрди.

Икки кун давом этган тадбир натижалари, кутилганидек, жуда самарали бўлди. Тадбир мобайнида ишлаб чиқарувчилар ва ички истеъмолчилар ўртасида қарийб 9 миллиард сўмлик, экспорт йўналишида эса 6 миллион АҚШ долларига тенг шартномалар имзоланди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# «Электрон ҳукумат» тизими такомиллаштирилмоқда

*Тошкентда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан ҳамкорликда "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари" мавзуида давра суҳбати ташкил этди. Унда депутатлар, Вазирлар Маҳкамаси, бошқа тегишли вазирлик ва давлат идоралари мутасаддилари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари қатнашди.*

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Таъкидланганидек, мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш устувор вазифа сифатида белгиланиб, бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Жумладан, АКТни ривожлантиришга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди, ташкилий шароитлар мустаҳкамланди. Пировардида соҳада изчил ўзгаришлар кузатилди, интерактивлик кучайтирилди, электрон ҳужжат айланиши, электрон тижорат, электрон тўловлар каби бир қанча янги хизмат турлари юзага келди.

Давра суҳбатида "Электрон ҳукумат" тизими ривожи қонунчилик асосларини такомиллаштириш, давлат органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан электрон шаклда алоқага ўтишни таъминлаш, давлат интерактив хизматлари сифатини яхшилаш ва бошқа масалалар таҳлилдан ўтказилди.

Қайд этилганидек, юртимизда соҳага оид мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Ўндан ортиқ қонунлар ва элликта норматив-ҳуқуқий ҳужжат шулар жумласидандир. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс чора-дастурларининг изчил бажарилиши натижасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда АКТни қўллаш самарадорлиги юксалаяпти.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона маркази ягона корпоратив тармоққа уланди.*

### Марказ ягона корпоратив тармоққа уланди

— Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг "Соғлом бола йили" тармоқ дастури доирасида амалга оширилди, — дейди мазкур марказ директори вазифасини бажарувчи Акрам Қиличев. — Шу мақсадда муассасамиз умумий қиймати салкам 180 миллион сўмлик замонавий техник воситалар билан таъминланди. Юқори тезликка эга бу ускуналар бизга тўлиқ матнли электрон ахборот-кутубхона ресурслари фондини яратиш, мижозларга сифатли ва тезкор ахборот етказиш имконини беради.

Дарҳақиқат, марказнинг ягона корпоратив тармоққа улангани фойдаланувчилар учун катта қулайлик яратди. Эндиликда китобхонлар республика ахборот-кутубхона марказининг порталига кириб, Бухорода сақланаётган у ёки бу адабиётнинг электрон нусхасини ҳеч бир қийинчиликсиз олишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Янги технология даромад келтираяпти

*Компьютер хотирасига киритилган дизайн асосида тўқув дастгоҳи ҳаракатга келади. Қарабсизки, атиги 90 сония ичида битта маҳсулот тайёр. Бу кўрсаткич саккиз соат ичида 320 тага етади.*

Бойсун туманидаги "Бойсун покиза тонг" хусусий корхонасига ана шундай илғор ускуналардан 2 таси ўрнатилди. Натижада умумий қиймати 35 минг АҚШ долларилик, энергия тежамкор мазкур технологиялар ёрдамида кунига 300 минг сўмлик пайпоқ тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Хом ашёни Тошкент шаҳри ҳамда водий вилоятларидаги корхоналардан келтираяпмиз, — дейди лойиҳа ташаббускори, тадбиркор Ҳамза Мирзаев. — Бу эса маҳсулотларимизнинг юқори сифатини кафолатлаяпти. Шу боис қисқа муддатда ички бозорда ўз ўрнимизни топдик. Айни пайтда буюртмаларимиз сони тобора кўпайиб бораяпти. Шундан келиб чиқиб, яқин истиқболда фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

**Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Сунъий момиқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди

*Яқин вақтгача мебель саноати ҳамда ўйинчоқлар тайёрлашда кенг қўлланиладиган синтепон, яъни сунъий момиқлар юртимизга хориждан келтирилар эди.*

Фарғонада "Авилон Қўқон" масъулияти чекланган жамияти иш бошлаши билан бу турдаги маҳсулот маҳаллийлаштирилди. Мазкур лойиҳа амалга оширилгач, 30 кишининг доимий бандлиги таъминланди. Айни пайтда корхона маҳсулотларига нафақат водий вилоятлари, балки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Айни кунларда корхона жамоаси флезирин матосини ишлаб чиқариш борасида изланишлар олиб бормоқда.

**Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА ИМТИЁЗЛАР

## ишбилармонларнинг самарали фаолият юритишига хизмат қилмоқда

*Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан кўргазмали семинар ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда жорий йил 15 апрелдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳиятини, юртимизда тадбиркорлик субъектларига яратилаётган имконият ва афзалликлар хусусида кенг жамоатчиликни хабардор қилишдан иборатдир.*

СЕМИНАР

Мазкур ҳужжатлар мамлакатимизда ишбилармонликни янада такомиллаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш шарт-шароитларини тубдан яхшилаш, иқтисодиётнинг хусусий секторида аҳоли бандлигини ошириш ва янги иш ўринларини барпо этиш борасидаги ишларни жадаллаштиришда муҳим омилдир. Хусусан, Фармоннинг учинчи бандига кўра, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўзларининг расмий веб-сайтларида тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни тартибга солувчи ахборотларни жойлаштириш ва кейинчалик уларни янгилаб бориш вазифаси юклатилди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органларининг расмий веб-сайтларида чоп этилмаган уларнинг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар талабларини бузиш ҳолатлари учун тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чораларининг қўлланилиши тақиқланиши белгиланди.

Албатта, бундай ўзгаришлар ишбилармонларга зарур бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва ахборотларни тегишли ташкилотнинг расмий веб-сайтидан тезкорлик билан олишга, ўз фаолиятларини қонуний йўлга қўйишга, айниқса, кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий билимини янада оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги кунда давлат ахборот ресурслари сони 195, рўйхатга олинган ахборот тизимлари 154 тага етгани бунинг тасдиғидир. Айни чоғда "он-лайн" хизмати аҳоли, айниқса, тадбиркорларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида муҳим воситага айланмоқда. Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 20 та янги хизмат тури жорий қилиниб, уларнинг сони 187 тага етказилгани ҳам диққатга сазовордир.

Тадбирда Президентимизнинг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилди. Зеро, шу асосда "Электрон ҳукумат" тизимини кенг татбиқ этишга асос яратилди. Қолаверса, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари олдида турган яна бир муҳим масала — ички меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришдир. Бу борада, давлат органлари томонидан тақдим этилаётган интерактив давлат хизматларининг низомларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Давра суҳбатида кўриб чиқилган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси шу нуқтаи назардан долзарбдир. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат ҳозирги пайтда ишчи гуруҳ томонидан маромига етказилаётир.

Иштирокчилар эътироф этганидек, унинг қабул қилиниши давлат интерактив хизматлари сифатини яхшилаш, давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг вақти, сарф-харажатларини қисқартириш, очиқлик ва тезкорликни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади. Уни ишлаб чиқишда соҳага оид миллий қонунчилигимиз инвентаризация қилинди. Шунингдек, Австрия, АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Япония каби бир қатор давлатларнинг тажрибаси таҳлил этилди.

Муҳокамаларда қонун лойиҳасида интерактив давлат хизматлари турлари ва уларга қўйиладиган талаблар, уларни баҳолаш мезонларини аниқ белгилаш, қонун талабларини рўёбга чиқариш борасида давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини назарда тутувчи қоидаларни белгилашга доир фикр ва мулоҳазалар айтиб ўтилди.

Айни чоғда интерактив хизматлар тақдим этишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши самарадорлигини ошириш, уларнинг сифатини таъминлаш, "Электрон ҳукумат" қулайликларини кенгайтириш ва бошқалар ҳақида тавсиялар билдирилди.

**С. МАХСУМОВ.**

# «Электрон ҳукумат» тизими такомиллаштирилмоқда

# КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА ИМТИЁЗЛАР

## ишбилармонларнинг самарали фаолият юритишига хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фармоннинг бешинчи бандига мувофиқ эса, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, барқарор фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текширишни тақиқлаш (юридик шахсларни тугатиш чоғида қўзғатилган жиноий ишлар доирасида, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно) бўйича мораторий муддати 2017 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Шунингдек, 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб кўп меҳнат талаб қиладиган айрим тармоқлар, яъни қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва енгил саноат соҳаларида фаолият юритаётган кичик корхоналар ходимларининг чекланган ўртача йиллик сонини 100 нафардан 200 нафарга ошириш белгиланди. Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат бюджетига уларнинг ҳисобварақларидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банклар хизматлари учун тўловлар ундириш амалиёти эса бекор қилинди.

Бундан ташқари, илгари хўжалик юритувчи субъектларда солиқ, молия ҳисоботларини тақдим этмаслик ва уларнинг кўрсатилган манзилда йўқлиги ҳолатлари учун тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича операциялар бевосита давлат солиқ хизмати органлари томонидан тўхтатиб қўйилар эди. Фармон билан белгиланган меъёрга мувофиқ, эндиликда буни фақат суднинг тегишли қарори асосидагина амалга ошириш мумкин.

Бу каби имконият ва енгилликлар давлатимиз раҳбари қарорида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, 2014 йилнинг 1 июнидан бошлаб тадбиркорлик соҳасидаги лицензияланадиган фаолиятнинг ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларнинг алоҳида турларини бекор қилиш, бундай тартиботларни расмийлаштиришнинг муддат ва йиғимларини қисқартириш, соддалаштириш белгилаб қўйилгани, шунингдек, тегишли органларга 2015 йилнинг 1 январигача лицензияланадиган фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашда "бир дарча" тамойилини татбиқ этиш вазифаси юклатилгани шулар сирасига киради.

Кўргазмали семинарда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида фаолият юритаётган кичик бизнес вакиллари ана шундай янгиликлар билан танишиш баробарида, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Божхона қўмитаси, Марказий банк ва бошқа мутасадди ташкилотлар масъул ходимларидан ўзларини қизиқтирган барча саволларга тўлақонли жавоб олмоқдалар.

Мазкур тадбир жорий йилнинг 3 майига қадар давом этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**






**СУРАТЛАРДА:** кўргазмали семинар фаолиятидан лавҳалар.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлаш — доимий эътиборда

*Маълумки, Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги қарори билан Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.*

## 2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Унда барча вазирлик ва идоралар олдига жисмоний соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш каби вазифалар юклатилган.

Мазкур дастур ижроси доирасида Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги қуйи тизимлари томонидан вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали фаолият олиб борилмоқда. Бунда асосий эътибор ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик ҳолатларининг олдини олиш тадбирларини амалга оширишга қаратилмоқда.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказилган матбуот анжуманида шулар хусусида сўз юритилди. Тадбирда мактаблар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари давоматини яхшилаш, улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларни турли ёт иллатлар таъсиридан асраш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Бугунги кунда республика ички ишлар идоралари томонидан вояга етмаганлар қаровсизлиги, назоратсизлиги, ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, таълим-тарбияси билан шуғулланиш, таълим муассасаларида давоматни яхшилаш борасида маҳаллий ҳокимликлар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ва ушбу масалага масъул давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда қатор мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан, умумтаълим мактабларида "Оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлиги" Жамоат кенгаши тузилганлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиясининг фаолияти йўлга қўйилганлиги ижтимоий шериклик асосидаги тадбирларимиз кўламини янада кенгайтирди, — дейди Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари И. Жаҳонгиров. — Хусусан, республикамизнинг барча ҳудудларида вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари фаолиятининг изчил йўлга қўйилганлиги вояга етмаганларнинг муҳофазасини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Анжуманда ҳамкорликда олиб борилган профилактик-огоҳлантирув ишлари натижасида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг йилдан-йилга, жумладан, сўнгги беш йилликда вояга етмаганлар жиноятчилиги 14 фоиз камайишига эришилгани айтиб ўтилди.

Тадбирда тегишли соҳа мутасаддилари муҳокама этилган мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини айтишди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## ДАВРА СУҲБАТИ

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ходимларга хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратилишида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш мавзуига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.*

# Меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий шериклик

Мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, иш берувчилар бирлашмалари, корхона ва ташкилотларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислари, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича бюроси экспертлари иштирок этди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, эркин касб-ҳунар танлаши ҳамда ходимларга хавфсиз, қулай ва муносиб меҳнат шароитлари яратиш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар корхона ҳамда ташкилотлардаги меҳнат муҳофазаси ҳолатини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликларининг олдини олишда муҳим асос бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси жамоат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигини кенгайтиришда янги имкониятларни очди. Бугунги кунда касаба уюшмалари, иш берувчилар, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклик асосида амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари юксак самараларни бермоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институти ҳамкорлигида тегишли низомларнинг тасдиқланиши билан ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби кенг йўлга қўйилди. Ходимлар меҳнати муҳофазасини янада кучайтириш мақсадида касб касалликларининг олдини олиш юзасидан тиббиёт профилактика муассасалари ва касаба уюшмаларининг тавсиялари ишлаб чиқилди. Корхоналарда ходимлар саломатлигини сақлаш ва уларни бахтсиз ҳодисалардан асрашга қаратилган талаблар кучайтирилди. Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ишида касаба уюшмалари вакилларининг иштироки таъминланмоқда.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни энг яхши ташкил этган корхоналар ҳамда жамоатчилик назоратини намунали йўлга қўйган иш берувчилар, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ва меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида Республика кўрик-танловининг йўлга қўйилиши ҳам ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

Тадбирда 2013 йилда 5800 дан зиёд корхона ва ташкилотда меҳнат муҳофазаси бўйича йўлга қўйилган ишлар ўрганилганлиги таъкидланди. Хусусан, Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Жиззах вилоятларидаги корхоналарга тегишли амалий ёрдам кўрсатилди. Ўтган йили жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси бўйича белгиланган 450 мингдан ортиқ чора-тадбирларнинг қарийб барчаси бажарилишига эришилиб, ушбу мақсадларга 125 млрд. сўм маблағ сарфланди.

Давра суҳбатида меҳнат муҳофазасини таъминлаш, ходимларга хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратилишида ижтимоий шериклик муносабатларини янада ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**З. ИСМОИЛОВА.**

# Халқаро тажриба ва амалиёт

*Андижон давлат тиббиёт институтида "Соғлом бола йили" давлат дастури доирасида болалар хирургияси ва анестезиология-ревматологиясида замонавий диагностика ҳамда даволаш технологияларидан фойдаланиш масалаларига бағишлаб халқаро анжуман ташкил этилди.*

## АНЖУМАН

Тадбирда Бельгия, Россия, Беларусь, Қозоғистон каби бир қатор мамлакатлардан ташриф буюрган олим ва тадқиқотчилар юртимизда мазкур йўналишда эришилган ютуқлар билан танишиб, болалардаги турли касалликларни жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича ўзаро тажриба алмашдилар.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ФАВВОРАЛАР САЙЛИ»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тарихчи олимларимизнинг айтишича, фавворалар мамлакатимизда қадимдан мавжуд бўлган. Хусусан, Испания элчиси Клавихо Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг "Дилкушо" боғида бўлганида беҳад ҳайратга тушиб, ўз таассуротларини қуйидагича баён этган: "Подшоҳ саройида суви тепага отилиб турган фаввора бўлиб, унда қизил олмалар қалқиб турарди...". Клавихонинг ажаблганича бор. XIV-XV асрларда юртимизда урф бўлган фавворалар ҳали Европа халқлари учун нотаниш эди.

Қадимий фавворларни, шунингдек, Алишер Навоий асарлари ва "Бобурнома"га ишланган миниатюраларда ҳам кўриш мумкин. Ўз даврида, фавворалар ёйсимон, тўртбурчак шаклларда бўлиб, атрофи ва ичи тўқ қизил ҳамда оқ мармар тошлар билан безатилган. Анвойи гуллар уларга янада кўркамлик бахш этган. Махсус тайёрланган сопол қувурлар орқали келиб, отилиб чиққан сув ҳовузчаларга тушиб, яна ёпиқ ариқлар орқали чиқиб кетган.

Олиб борилган археологик қазилмалар натижасида бундай фавворалар Шаҳрисабздаги Оқсаройда, Самарқанддаги "Дилкушо" боғи ҳамда Бухородаги Ситори Моҳи Хоса саройида бўлгани аниқланган. Мураккаб муҳандислик-қурилиш ечими асосида бунёд этиладиган фавворалар аждодларимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, меъморчилик санъати нақадар юксак бўлганлигидан далолатдир.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида юртимизнинг ҳар бир ҳудудида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, пойтахтимизда рўй бераётган бундай эзгу ишлар, аввало, аҳолига қулайликлар яратиш, келажак авлод манфаатларини кўзлаб, ҳудуд иқлимини инобатга олган ҳолда бўй кўрсатмоқда. Шу тариқа шаҳар қиёфаси аждодларимиздан қолган тарихий кўркини йўқотмасдан, замонавийлик касб этаётир. Мустақиллик майдони, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонани ўз ичига олган "Маърифат маркази", Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуаси, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи, Амир Темур хиёбони, "Бунёдкор" спорт мажмуаси каби иншоотларимиз бугун юртимизга ташриф буюраётган хорижлик меҳмонларни мафтун этаётгани ҳам бежиз эмас.

Пойтахтимизни янада мафтункор қилиб кўрсатаётган фавворалар истироҳат боғлари, хиёбонлар, бинолари комплекси, йирик саноат корхоналари, таълим муассасалари, меҳмонхоналар, шифохоналар ҳудудида ўзига хос ансамблни ташкил этмоқда.

Фавворалар бунёд қилиш мураккаб муҳандислик лойиҳалари ва юқори технологиялардан фойдаланишни тақозо этади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос меъморий қурилма бўлиб, ён-атрофга салқинлик таратиб, ҳаво ҳароратини 3-6 даражагача пасайтириши мумкин. Шу боис уни бунёд этиш ишларида ҳар бир жиҳат алоҳида эътиборга олинади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, фавворалар инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади. Улар дам олувчига ҳузур бахш этиб, чарчоқни чиқариш, кайфиятни кўтариш хусусиятига эга. Шаҳарда фавворалар ана шу вазифани бажаради. Кечқурунлари фаввора жилосига тикилиб, ундан баҳра олган одамнинг қон айланиш тизими ва мия фаолияти яхшиланади, асаблари тинчланади.

Бундай фавворалар ҳозир Тошкентнинг ҳар бир гўшасида мавжуд. Шаҳримизни томоша қилган кишини бири-биридан кўркам фавворалар дурлар сочиб қаршилайди. Жазирама кунларда уларнинг қадр-қиммати бисёр эканлигини ҳар биримиз дилдан ҳис қиламиз.

Кеча пойтахтимизда "Фавворалар сайли" доирасида ўтказилган ҳар бир тадбирда халқимиз суйган санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, сўз усталари, кино ва театр актёрлари ҳамда эстрада хонандалари қатнашди.

Тадбирлар давомида ёш шоирларнинг мушоиралари, Тошкент шаҳридаги "Баркамол авлод" болалар марказлари, мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ҳамда ёш рассомларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди.

Сув пуркаб турган фавворалар юртимизнинг тинчлиги, кўнгиллар хотиржамлигидан далолатдир. Зеро, тинчлик, хотиржамлик ҳукм сурган юртдагина халқ бунёдкорлик ишларига қодир бўлади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**







Ҳасан ПАЙДОЕВ, Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

## ТААССУРОТ

**Юлдуз ЗОИРОВА,**
**Зулфия номидаги**
**Давлат мукофоти совриндори:**

— Бундай гўзал байрамлар фақатгина тинч, осойишта, фаровон юртга хосдир. Дугоналарим билан Мустақиллик майдонидаги фавворaларни сайр қилдик. Бу ердаги ажиб манзарадан баҳридилимиз очилди, кайфиятимиз кўтарилди. Отилиб чиқаётган сувнинг жилваси, мусаффолиги инсон қалбига эзгулик, гўзаллик, хотиржамлик улашади.

**Гулистон АЗАТОВА,**
**Республика фан олимпиадаси ғолибаси:**

— Фавворалар тимсолида навқирон ёшлик шиддатини, гўдакнинг беғубор кулгисини кўргандек бўлдим. Анъаналарни ардоқлаган халқ юксалади. Анъаналари тирик, навқирон миллат ҳеч қачон танлаган йўлидан адашмайди. Назаримда, "Фавворалар сайли" шу Ватанга дахлдорлик ҳисси билан яшаётган инсонларнинг ҳеч бирини бефарқ қолдирмайди.

**ЧОНГ Жу Ён,**
**сайёҳ (Жанубий Корея):**

— Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат Академик Катта театри олдидаги мусиқали фаввора мафтункорлиги ва ўзига хослиги билан ажралиб турар экан. Қалбларда жўшқин ҳисларни уйғотгувчи мусиқаларга ҳамоҳанг ҳаракатланиб, камалак рангида ажиб манзара касб этиб турган фаввора менга жуда ёқди.

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Жорий йилнинг январь — март ойларида Германиянинг "Daimler AG" автоконцерни 1 миллиард евродан кўпроқ миқдорда соф фойда олишга эришди.*

## Фойда чўғи юқори



Изоҳланишича, автомобилларнинг янги моделларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйгани ва Хитой бозорида савдо ҳажмининг ортгани компанияга ана шундай муваффақият келтирди. Дастлабки чоракда "Daimler AG" 565 минг 800 донадан зиёд машина сотишга эришган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13 фоиз кўпдир.

Концерн мутасаддилари Европа автобозоридаги вазият ижобий томонга ўзгариб бораётгани, шунингдек, АҚШ ва Хитойда машиналарга талаб ошаётгани туфайли 2014 йилни мўмай даромад билан якунлашга умид қилишаяпти.

## Сув тошқинлари

*АҚШнинг жануби-ғарбий ҳудудларида ёққан кучли ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқарди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*



Жумладан, Флориданинг айрим жойларида ёғингарчилик миқдори бир суткада 55 сантиметрдан ошган. Айни пайтда йўллар ва кўприклардан фойдаланишнинг имкони йўқлиги боис қутқарувчилар гуруҳи аҳоли яшаш манзилларига қайиқ ҳамда вертолётлар ёрдамида боришаяпти. 28 минг хонадон электр таъминотидан узилиб қолган. Штат губернатори Рик Скотт вазият жиддийлигини инобатга олиб, Флоридада фавқулодда ҳолат эълон қилди.

Алабамада ҳам шундай манзара ҳукмрон. Бу ерда истиқомат қилаётганлар сув сатҳи юқорилиги сабабли қутқарувчиларни уйларининг томида ўтириб кутишга мажбур бўлишмоқда. Мамлакат шарқидаги қатор аэропортларда ўнлаб рейслар кечиктирилган.

## Харажатлари ортиб кетган

*Нефть ва газ соҳасида фаолият олиб борувчи "Royal Dutch Shell" (Голландия — Буюк Британия) компанияси учун эса дастлабки чорак бир оз омадсиз кечди.*



Гап шундаки, у ўтган йилнинг илк уч ойида 7,52 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад кўрганди. Бу гал ушбу кўрсаткичи қисман пасайиб, 7,32 миллиард долларни ташкил қилди. Бунга компания томонидан нефть ва газ қазиб олиш ҳажмининг қисқаргани, қолаверса, харажатларнинг белгиланганидан ортиб кетгани сабаб экани айтилмоқда.

## Ишга бўйинбоғсиз

*Японияда ҳар йили иссиқ кунлар бошланиши билан "Cool biz" деб номланган умуммиллий дастур кучга киради.*



Унга мувофиқ, ишловчиларга ўз хизмат жойларига бўйинбоғ ва пиджаксиз келишга рухсат берилади. 1 июндан бошлаб эса ёзги мавсумга мос енгил турдаги кийим-кечакда, хусусан, футболка ёхуд жинсида бориш мумкин. 2005 йилда жорий этилган ушбу дастурнинг асосий мақсади электр энергиясини тежашга қаратилган. Яъни эркин либос кийиш имконияти яратиб берилгани эвазига офислардаги кондиционерларни совуқ режимдаги ҳолатда 28 даражадан пасайтирмаслик шарти қўйилади.

## Энг қиммат пицца

*Канадада дунёдаги энг қиммат пицца тайёрланди.*

*Гиннеснинг рекордлар китобига киритилиши кутилаётган бу таомнинг қиймати 450 АҚШ долларига тенг. Уни Ричмонд шаҳридаги "Steveston" пиццахонаси ошпазлари тайёрлашди.*



Пицца таркибига катта ва майда қисқичбақа, қора треска балиғи гўшти ҳамда осётр увилдириғи каби ноёб денгиз маҳсулотлари қўшилган.

Таомнинг баҳоси қиммат бўлишига қарамай, "Steveston" аллақачон саккизта шундай пиццага буюртма қабул қилди.

Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган олдинги энг қиммат пиццанинг қиймати 178 АҚШ долларига тенг эди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

*Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари ички бозорни импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшиб, ўзларининг иқтидори ва салоҳиятини намойиш этмоқдалар. Наманган шаҳридаги "Ифтихор кийим саноат" масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари Анна Добрихнинг фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.*



# Ташаббус, изланиш, натижа

Гап шундаки, изланувчан ва ғайратли бу аёл Президент соврини учун ўтказилган "Ташаббус — 2014" кўрик-танловининг якуний босқичида "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича ғолиб чиқиб, олтин медаль, биринчи даражали диплом, "Пегас" статуэткаси ҳамда "Spark" автомашинаси билан тақдирланди.

Таъкидлаш жоизки, Наманган вилояти иқтисодиётида енгил саноатнинг ўзига хос ўрни бор. Чунки маҳаллий тикувчилик корхоналарида тайёрланаётган турфа кийим-кечаклар нафақат замонавий талабларга тўла жавоб бериши ва бежиримлиги билан алоҳида ажралиб туради, балки улар ташқи бозорда ҳам харидоргирдир. Айтайлик, соҳа етакчиларидан бири бўлмиш "Ифтихор кийим саноат"нинг беш турдаги маҳсулотлари аллақачон хориж бозорларига ҳам кириб борди.

Корхонанинг бундай муваффақиятга эришишида, албатта, ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар татбиқ этилаётгани, хусусан, модернизациялаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Масалан, бундан икки йил аввал таъсисчилар банкдан олинган 554 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредитга ўзларининг 200 миллион сўмдан зиёд маблағини қўшиб, хориждан энг сўнгги русумдаги тикувчилик технологиясини харид қилишди. Қатор ривожланган давлатларда тайёрланган ушбу ускуналар қулайлиги, либослар андозасини олишдан дазмоллашгача бўлган жараённи тезкор ва пишиқ бажариши туфайли жамоа учун янги имкониятлар эшигини очиб берди. Улардан унумли фойдаланган чеварлар эса бир нечта янги моделлар яратишди. Пировардида харидорларга тақдим этилаётган кийим-кечаклар тури қирқтадан ошди. Шунга мос равишда буюртмачилар сони ҳам икки-уч баробар кўпайди.

— Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга муносиб улуш қўшаётган тадбиркорлик субъектларининг кўпайиб бораётгани замирида, энг аввало, соҳа вакилларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани мужассам, — дейди жамият раҳбари Анна Добрих. — Биз ҳам ана шундай эътибор ва имкониятдан оқилона фойдаланиб, шу даражага етдик. Бугун тикув дастгоҳларини моҳирлик билан бошқараётган йигит-қизларга қараб, ҳавасингиз келади. Негаки, ускуналаримизнинг аксарияти компьютерлаштирилган бўлиб, унда ишлаётган ёшларнинг билими, уқув ва ғайрати ҳам шунга яраша-да.

Муттасил изланиш, ишга янгиликларни дадиллик билан қўллаш тадбиркорга ҳамиша омад келтиради. Корхонада амалга оширилган модернизациялаш тадбирларидан сўнг бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 96 кишига етгани, ишлаб чиқариш ҳажми уч ҳисса ортиб, ўтган йили икки миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлангани бунинг тасдиғидир.

Ички бозорга чиқарилаётган кийим-кечакларнинг аксарияти "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси, "Асака" банки, "Ҳамкорбанк" сингари буюртмачи ташкилотларга етказиб берилмоқда. Қолаверса, ўтган йили 580 минг АҚШ долларилик маҳсулот ташқи бозорга сотилди. Бу йилги мақсад мазкур кўрсаткични 2 миллион АҚШ долларига етказишдан иборат.

— "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида, — дейди Анна Константиновна, — қиймати 30 минг АҚШ долларилик истиқболли лойиҳа ижросига киришдик. Уни рўёбга чиқарсак, жинси матолари ва тайёр маҳсулотлар тикишни бошлаймиз.

Дарҳақиқат, ишбилармонлик ортидан ўз бахтини топган Анна Добрих ва у раҳбарлик қилаётган жамоа аъзолари бу йил янада юксак чўққиларни забт этишга астойдил интилмоқдалар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Бизнес-режа — муваффақиятлар омили

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринларини очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилидир. Шу боис Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда бундай субъектларни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*



МИННАТДОРЛИК

Аниқ мақсадга эга, билими ва тажрибаси бўлган ишбилармонларга етарли шарт-шароит яратиб берилмоқда. Биз ҳам ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, ички бозорни товуқ гўшти ва тухум билан таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшаяпмиз.

Эришаётган ютуқларимизда ишончли ҳамкоримиз — "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Хўжаобод филиали молиявий мадади, айниқса, катта аҳамият касб этмоқда.

Паррандачилик маҳсулотларига бўлган талабни инобатга олган ҳолда, корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида яқинда ушбу филиалга янги бизнес-режамизни тақдим этдик. Банк ходимлари қисқа муддат ичида уни ўрганиб чиқиб, лойиҳамизни молиялаштириш учун 400 миллион сўм миқдорида кредит ажратишди. Бу маблағ ҳисобидан корхонамизга парранда боқишга мўлжалланган махсус металл катаклар, "Ломанн-Браун" зотли 20 минг дона жўжа ва юк машиналари харид қилдик. Бизнес ғоямизнинг амалга оширилиши натижасида қишлоқ ёшларидан 17 нафари иш билан таъминланди. Уларнинг 8 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчисидир.

Айни пайтда корхонамизда 37 минг донадан зиёд товуқ парваришланаётган бўлса, ички бозорга ҳар ойда ўртача 120-150 минг дона тухум етказиб бераяпмиз. Йиллик даромадимиз эса 53,6 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Мухтасар айтганда, буларнинг бари банкнинг амалий ёрдами туфайлидир. Шунинг учун унинг ходимларига миннатдорлик билдириб, ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилаверамиз.

**Ансориддин РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**Хўжаобод туманидаги «Golden Bird» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.**

# Битирувчининг лойиҳаси

Чинозлик коллеж битирувчиси Ғафуржон Абдуҳамидов бугун ўз бизнесига эга. У ўтган йили деҳқон хўжалиги ташкил этиб, паррандачиликни йўлга қўйганди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди.

ИНТИЛИШ

— Бизнес лойиҳамнинг рўёбга чиқишида тижорат банки томонидан ажратилган 20 миллион сўмлик имтиёзли кредитнинг нафи катта бўлди, — дейди у. — Ҳозир кўраётган даромадимиз ҳисобидан фаолиятимизни муттасил кенгайтириб бориш ҳаракатидамиз.

Дарвоқе, ўтган йили Тошкент вилоятида Ғафуржон каби коллеж битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан қарийб 9 миллиард сўм ажратилганди. Жорий йилда бу кўрсаткич янада юқори бўлиши кутилаяпти.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

## «Universal auktsion invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

**2014 йил 19 май куни соат 15.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2010 йил 4 январдаги 23-0903/12806-сонли, 2013 йил 4 мартдаги 23-1307/2074 (17)-сонли, 2013 йил 10 июндаги 23-1304/3403-сонли ва 23-1304/3404-сонли ижро варақаларига асосан, Беруний ва Шуманай туманлари СИБ томонидан хатланган мол-мулклар:

* Беруний тумани, «Алгабас» МТПда вақтинча сақланаётган, 1950 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-150» русумли автомашина, давлат рақами 23 AJ 110.

***Бошланғич баҳоси — 611 365 сўм.***

* Беруний тумани, Бройлер фабрикаси аҳоли пунктида вақтинча сақланаётган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-431410» русумли автомашина, давлат рақами 23 А 1707.

***Бошланғич баҳоси — 9 506 754 сўм.***

* 1990 йилда ишлаб чиқарилган «МПР 9924 ГАЗ-52» русумли автомашина, давлат рақами 04-89 КПН.

***Бошланғич баҳоси — 598 976 сўм.***

* Шуманай тумани, «Бег жап» ОФЙда вақтинча сақланаётган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, «ГКТП 1000 кВа» русумли трансформатор тўплами.

***Бошланғич баҳоси — 31 687 055 сўм.***

* 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «ТМ 630 кВа» русумли трансформатор тўплами.

***Бошланғич баҳоси — 26 418 436 сўм.***

* Амударё тумани ЖИБ судининг 2013 йил 15 сентябрдаги 1-176-сонли, 2013 йил 17 сентябрдаги 1-171-сонли ва 2013 йил 1 октябрдаги 1-190-сонли ижро варақаларига асосан, Беруний тумани СИБ томонидан хатланган, Беруний ИИБда вақтинча сақланаётган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-24» русумли автомашина, давлат рақами 23 С4454.

***Бошланғич баҳоси — 494 262 сўм.***

* Ишлаб чиқарилган йили номаълум, «ГАЗ-24» русумли автомашина, давлат рақами 22 Е 7983.

***Бошланғич баҳоси — 1 837 080 сўм.***

* 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «М412» русумли автомашина, давлат рақами 23 L 2370.

***Бошланғич баҳоси — 529 254 сўм.***

Мазкур мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2014 йил 3 июнь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

**2014 йил 3 июнь куни соат 15.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

Чимбой тумани ФИБ судининг 2011 йил 11 февралдаги 147-сонли, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2013 йил 6 декабр-даги 23-1307/9554 (28.1)-сонли ва Тахтакўпир тумани нотариал идорасининг 2014 йил 4 апрелдаги ижро варақаларига асосан, Чимбой, Беруний ва Тахтакўпир туманлари СИБ томонидан хатланган мол-мулклар:

* Чимбой тумани, «Бахитли» ОФЙда вақтинча сақланаётган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, «СНП 500/10ДВ 110кВа» русумли сув насоси.

***Бошланғич баҳоси — 13 482 000 сўм.***

* Беруний тумани, «Уста Ибрагим» ФХда вақтинча сақланаётган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, «ТТЗ 80-11» русумли трактор, давлат рақами 16-23ФК.

***Бошланғич баҳоси — 16 530 000 сўм.***

* Қораўзак тумани, А. Досназаров кўчаси, 1-уйда вақтинча сақланаётган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, «Т28Х4М» русумли трактор, давлат рақами 75-65 ЖУ.

***Бошланғич баҳоси — 5 946 700 сўм.***

* Қораўзак тумани, «Бердақ» ОФЙда вақтинча сақланаётган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, «МТЗ-80Х» русумли трактор, давлат рақами 22-90 ФК.

***Бошланғич баҳоси — 10 406 600 сўм.***

* Тахтакўпир тумани ЖИБ судининг 2014 йил 7 февралдаги 69-сонли, Қорақалпоғистон Республикаси ЖИБ Олий судининг 2011 йил 25 ноябрдаги 387-10-сонли ва Қўнғирот тумани ЖИБ судининг 2014 йил 45-сонли ижро варақаларига асосан, Чимбой ва Шуманай туманлари СИБ томонидан хатланган, Чимбой тумани ИИБда вақтинча сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари:

* 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА Nexia sons СПГ» русумли автомашина, давлат рақами 95 F 949 CA.

***Бошланғич баҳоси — 26 600 000 сўм.***

* Чимбой тумани, Туримбетов кўчаси, 143-уйда вақтинча сақланаётган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ 21013» русумли автомашина, давлат рақами 23 С 6668.

***Бошланғич баҳоси — 697 000 сўм.***

* Шуманай тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА Nexia СПГ» русумли автомашина, давлат рақами 95 Q 354 BA.

***Бошланғич баҳоси — 33 250 000 сўм.***

Мазкур мол-мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2014 йил 18 июнь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш: 19 май кунидаги савдога — 15 май, 3 июнь кунидаги савдога — 30 май ва 18 июнь кунидаги савдога — 16 июнь куни соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТ «Турон» банки Нукус филиалидаги МФО: 00585, СТИР: 302083379, 20208000504932168029 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

685R/165

**Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Нукус шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 122-уй, 2-қават, 17-хона.**
**Мурожаат учун телефон: (8-361) 222-11-73.**

**Гувоҳнома № 004059.**

## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан 2011 йил 3 февралдаги ижро варақаси ва ажримига асосан хатланган:

* Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 2-мавзе, Қора йўл кўчасида жойлашган, умумий майдони 2688 кв.м. бўлган 5 қаватли маъмурий бинонинг 1-қавати, яъни «А» блок, 2-корпус қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 917 313 132 сўм.***

* Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 2-мавзе, Қора йўл кўчасида жойлашган, умумий майдони 1370 кв.м. бўлган 5 қаватли маъмурий бинонинг 4-5-қаватлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 773 402 445 сўм.***

Такрорий аукцион савдоси 2014 йил 20 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

688R/562

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.**
**Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

Хизматлар лицензияланган.

## «SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖда

**ўтказилган аукцион савдолари натижалари ҳақида хабарнома**

2014 йил 15 апрель куни соат 11.00 да Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтган аукцион савдосида бошланғич қиймати 51 441 000 сўм бўлган, 2 хонадан иборат, Бухоро шаҳри, Абдураҳмон Жомий кўчаси, 5/1-уй, 22-хонадон 56 600 000 сўмга ҳамда бошланғич қиймати 63 156 000 сўм бўлган, 3 хонадан иборат, Бухоро шаҳри, Абдураҳмон Жомий кўчаси, 5/1-уй, 21-хонадон 69 500 000 сўмга сотилди.

686R/1090

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Саноатгеоконтехназорат" Давлат инспекцияси жамоаси бош мутахассис Олимжон Жўраевга падари бузруквори
**Азиз ЖЎРАЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

O‘ZSANOATQURILISHBANK

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Банкнинг нуфузи нима билан белгиланади? Мижозлар ишончини қозониш қайси омилларга боғлиқ? Ўзаро муносабатларнинг янада мустаҳкамланиши-чи? Табиийки, бунга эришиш учун молиявий муассаса мижозларга яқин ҳамкор сифатида қараши, қўйилган омонатларнинг бус-бутун сақланишини таъминлаб, ҳар бир киши ундан чекловларсиз, ихтиёрий равишда фойдалана олишига имконият яратиши лозим. Қолаверса, бугунги глобал иқтисодий беқарорлик шароитида молия бозорида барқарорликни сақлаб қолиш учун мижозларга ҳар доимгидан-да сифатли, тезкор банк хизмати кўрсатиш, уларнинг дастлабки мурожаатидаёқ барча зарур шароитларни муҳайё қилиш, ўзига хос иш услуби ва маданиятига эга бўлиши тақозо этилади.*



# БУНЁДКОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИКНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ

Узоқ йиллик тажрибага эга бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» бугунги кунда ана шундай эътирофга сазовор бўлмоқда.

## Барқарор фаолиятга — юқори баҳо

Бугун мамлакатимизнинг етакчи молия муассасаларидан бири — “Ўзсаноатқурилишбанк” жамоаси ана шу тамойиллар асосида фаолият кўрсатишмоқда. Уларнинг самимий муносабатларидан кўнгли тўлган, ишлари муаммосиз, вақтида битган мижозларнинг мамнунлигини бошқаларга етказиши, очиғи, банк учун жонли реклама вазифасини ўтаяпти. “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун!” шиори эса ташаббускор ва янгиликка интилувчи аҳил жамоанинг доимий иш тамойилига айланган. Банк учун мижоз манфаати, қолаверса, мурожаат этувчи ҳар бир шахс хоҳиш-истагини тўла қондириш устувор вазифа ҳисобланади. Зеро, ишонч кафолатландими, демак, мижозлар сафи кенгаяди. Шунданми, ҳозир “Ўзсаноатқурилишбанк” мижозлари сони 1 миллион нафардан ошиб кетди.

Ҳеч кимга сир эмас, банкнинг таркибий-ташкилий тузилмаси қанчалик кенг ривожланган бўлса, бу, ўз навбатида, унинг актив ва даромади янада ортишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу маънода, бугунги кунда “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг юртимиздаги 44 та филиалида 40 мингга яқин корхона ва ташкилотларга самарали хизмат кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, 44 та минибанк, 62 та жамғарма кассаси, тўловларни қабул қилишга мўлжалланган 153 та ва халқаро пул ўтказмалари операцияларини бажаришга ихтисослаштирилган 105 та шохобчаси ҳам аҳоли ҳамда мижозларнинг доимий ҳамкорига айланган.

“Ўзсаноатқурилишбанк” фаолияти ҳақида сўз юритганда, унинг мавқеи ва нуфузи халқаро миқёсда тобора ошиб бораётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Чунки мана, беш йилдирки, банк бир вақтнинг ўзида жаҳоннинг иккита энг нуфузли халқаро рейтинг агентлиги — “Fitch Ratings” ҳамда “Standard & Poor`s”нинг **“Барқарор”** тоифасидаги тўлиқ рейтингини кетма-кет олишга муваффақ бўлаяпти. Банкнинг ўтган йилдаги самарали фаолияти ҳам ана шундай халқаро эътирофга лойиқ кўрилди.

Бу, шубҳасиз, Президентимизнинг мамлакатимиз банк-молия тизимига бўлган алоҳида эътибори, уни янада ривожлантириш борасида билдирган ғоя ва ташаббуслари натижасидир.

## Мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда

Банк соҳаси бўйича катта тажрибага эга “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг бутун фаолияти омонатчилар, мижоз ва акциядорларнинг манфаатини ҳимоя қилиш билан бирга, иқтисодиётда бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга қаратилган. Шу боис банк капитали йилдан-йилга ўсиб, унинг тизимдаги мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг жами капитали 434 миллиард сўмга етказилди. Низом жамғармаси эса 318,5 миллиард сўмни ташкил қилмоқда. Ўтган йил давомида банк мамлакатимиз иқтисодиёти равнақи йўлида жами 1,9 триллион сўмлик кредитлар ажратди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида 2013 йили жами 494 миллиард сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди. Бу эса нафақат янги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки истеъмол бозорини тўлдириш, балки аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш каби эзгу мақсадларнинг рўёбга чиқишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни ўтган бир йил давомида қарийб 12 минг нафарга яқин иш ўрни яратилганлиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Албатта, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг кредит қўйилмалари бозоридаги фаолияти фақат шундангина иборат эмас. Айни пайтда банк ёшлар, аёллар тадбиркорлиги, касаначилигу ҳунармандчилик, фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан тортиб, уларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этиш йўлида ҳам талай ишларни амалга оширмоқда. Биргина “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида кўплаб тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Бунга кичик бизнес вакилларига янада қулай имкониятлар яратиш мақсадида банк томонидан хорижий молия муассасаларининг кредит линиялари жалб қилинаётганини мисол ўрнида келтириш мумкин. Ўтган йилги Инвестиция дастури доирасида Германия банклари ва Жаҳон банкидан 14,2 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб этилди. Шу билан бирга, экспортга йўналтирилган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан экспорт қилувчи корхоналар айланма маблағларини тўлдириш учун жами 30 миллион АҚШ доллари ва 712 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари, мазкур молия муассасаси томонидан мамлакатимиздаги бир қатор енгил саноат корхоналарига хом ашё сотиб олиш учун жами 33,5 миллион доллар миқдорида 83 та банк кафолатлари берилди. Қолаверса, “Ўзсаноатқурилишбанк” ёқилғи-энергетика, нефть-газ, машинасозлик, кимё саноати, шунингдек, қурилиш индустриясига тегишли истиқболли лойиҳаларни амалга оширадиган ташкилотлар билан ҳам ўзаро муносабатларни ривожлантиришда етакчи ва пешқадам банклардан бири ҳисобланади.

## Жаҳонда ноёб тажриба

Ҳозирги кунда тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштиришда тижорат банкларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида миллий банк тизимини тараққий топтириш хусусида сўз юритар экан, тижорат банклари корхоналарнинг инвестиция лойиҳаларини жадаллаштиришда фаол қатнашаётгани, булар ундан манфаатдор экани, кредит ташкилотларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини тўла оқлаётганини таъкидлаб ўтган эди.

Дарҳақиқат, шундай. “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг бу борадаги фаолияти фикримизга яққол мисол бўла олади. Хусусан, Президентимизнинг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан банк балансига олинган банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича фаолиятини такомиллаштириш, шу билан бирга, лойиҳавий инвестициялаш ҳамда инвестициявий кредитлар бериш борасида чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди.

Шуниси қувончлики, бугунги кунда илгари банкрот бўлган корхоналар негизида ташкил этилган янги муассасаларда ишлаб чиқариш яна тўла йўлга қўйилди. Дастлабки даромадларга ҳам эга бўлинди. Масалан, шу вақтгача 15 та иқтисодий ночор корхона банк тасарруфига қабул қилиниб, улар негизида 9 та янги жамият ташкил этилган эди. Кўрилган чоралар натижасида шу вақтга қадар жами 7 та янги корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ қайта тикланиб, улардан 6 таси янги инвесторларга сотилди.

Жорий йилда яна 2 та корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ишлари олиб борилади. Шуни таъкидлаш лозимки, ташкил этилган янги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш ва молиявий соғломлаштириш ишлари ўзининг самарасини бермоқда. Уларга ҳисобот йилида киритилган 20,7 млрд. сўмлик инвестиция натижасида жами яратилган янги ишчи ўринлар сони 1400 нафарга етди, 32 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Жумладан, 12,3 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулотларни экспорт қилишга эришилди. Шу тариқа бир вақтлар қарздорлик ботқоғига ботган корхоналар конвейерларидан энди сифатли маҳсулотлар чиқа бошлади.

Табиийки, ҳар бир тижорат банки учун банкрот ҳолатидаги корхоналарни қабул қилиш осон иш эмас. Негаки, катта миқдордаги дебиторлик ва кредиторлик, қолаверса, иш ҳақи қарзларини тўлаш кўпчиликни ўйлантириб қўйиши мумкин. Устига-устак, янги замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ўз-ўзидан амалга ошмаслиги ҳам барчага бирдек равшан. Бунинг учун банк етарли даражада капиталга эга бўлиши лозим. “Ўзсаноатқурилишбанк” — мамлакатимизнинг ана шундай салоҳиятли, молиявий барқарор, йирик инвестиция институтларидан бири. Шу боис ҳам, мазкур банк киритаётган инвестициялар банкнинг ички манбаларини жалб этиш ҳисобига амалга оширилмоқда.

**ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

● *Мана, беш йилдирки, жаҳоннинг икки энг нуфузли — “Fitch Ratings” ва “Standard & Poor`s” халқаро рейтинг агентликлари “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятини муносиб баҳолаб, уни истиқболли, ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида эътироф этиб келмоқда.*

*Қолаверса, ушбу молия муассасаси ўтган йили ҳам Ўзбекистон банклар ассоциацияси қошидаги “Ахбор-Рейтинг” банклараро рейтинг компанияси томонидан берилган мамлакатимиз банклари ичидаги энг юқори баҳо —“UZA+” рейтингини сақлаб қолди.*

● ***Банкнинг Низом жамғармаси жорий йил 1 январь ҳолатига кўра, 318,5 миллиард сўмни ташкил қилди.***

● *Ўтган йили “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг умумий активлари миқдори 6,8 триллион сўмга тенг бўлди. Банкнинг умумий капитали 434 миллиард сўмга етди.*

● ***Банк мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада оширишда муҳим аҳамият касб этувчи ўнлаб йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда фаол иштирок этмоқда.***

● *2013 йили мазкур молия муассасаси республикамиз иқтисодиётини янада ривожлантириш учун жами 1,9 триллион сўмлик кредит ажратгани нафақат корхоналарнинг юксалиши, балки халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз ободлиги йўлида беқиёс улуш бўлди.*

## Ҳам қулай, ҳам афзал

Сир эмас, кейинги вақтларда аҳолини биринчи даражали тўловлар билан таъминлаш, яъни иш ҳақи, пенсия ва турли нафақаларни вақтида эгаларига етказиш масаласи ўз ечимини топди. Боиси — нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш устидан қатъий назорат ўрнатилди. Бунда, айниқса, тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар яхши самара бераётир. Қолаверса, мамлакатимиз Президентининг “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори молия муассасаларининг ушбу йўналишда олиб бораётган саъй-ҳаракатларини янги сифат босқичига кўтарди.

Гапнинг рости, бир вақтлар оддий бир карточкага бутун жамғарма жойлаштирилиб, у орқали нафақат мамлакат, балки жаҳоннинг исталган жойида маблағга эга бўласиз, дейилса, кўпчилик ишонмасди. Бугун эса пластик карточкалар орқали нақд пулсиз муомаланинг амалга оширилиши оддий воқелик бўлиб қолди.

Шу маънода, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг мазкур жабҳада кўрсатаётган хизматлари ҳам ривожланмоқда. Ҳозир қарийб 900 минг нафарга яқин киши ушбу банк пластик карточкаларидан фойдаланмоқда. Ўтган йили савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига қўшимча равишда 1800 дан зиёд терминал ўрнатилиб, уларнинг сони 7000 тадан ошиб кетди. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш юзасидан қилинган ишлар натижасида пластик карталар орқали маблағлар айланмаси янада ўсди. Жумладан, 2013 йил давомида 1 триллион сўмдан ортиқ транзакциялар қайд қилинди. Уларнинг 831,7 миллиард сўми нақдсиз айланмалар бўлиб, бу 2012 йилдагига нисбатан 1,6 баробар кўпдир. Ҳисобот йилида барча манбалардан жами нақд пул тушуми 1 триллион 740 миллиард сўмдан ошди.

Шуни ҳам айтиш керакки, айни пайтда “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан аҳоли омонатларини янада кўпроқ жалб этиш мақсадида “Яхши ният”, “Маржон”, “Тежамкор”, “Барқарор”, “Навниҳол” каби ўнлаб янги омонат турлари жорий қилинди. 2013 йил давомида аҳоли омонатлари 51,5 млрд. сўмга ёки 19 фоиз ошиб, 319,9 млрд. сўмга етказилди. Унга мос равишда омонатчилар сони ҳам 950 минг нафардан ошиб кетди.

Президентимизнинг 2008 йил 31 октябрдаги “Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, шу йил бошида Марказий банк ва Банклар ассоциацияси томонидан 2013 йил якунлари бўйича тижорат банклари ўртасида аҳоли бўш пул маблағларининг омонатга жалб қилиниши юзасидан ўтказилган анъанавий танловда “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг бу борада эришган ютуқларига муносиб баҳо берилди. Гап шундаки, банк юксак савияда бўлиб ўтган мазкур танловнинг бир йўла тўртта асосий номинацияси ғолиби, деб топилди.



Бундан ташқари, банк жамоаси мижозларга тезкор, аниқ ва сифатли хизмат кўрсатиш борасида жаҳоннинг энг нуфузли банклари билан ҳам бемалол рақобатлаша олишини исботламоқда. Масалан, “Ўзсаноатқурилишбанк” пул ўтказмалари бозорида нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсда ҳам етакчи ўринда туради. Бугунги кунда банк ўз мижозларига бир вақтнинг ўзида “Interexpress”, “Blizko”, “Western Union” ва “UNIStream” каби халқаро пул ўтказмаларини тақдим қилаяпти. Бу эса банкка дунёнинг турли минтақаларини қамраб олиш имкониятини яратиб, мазкур тизимлар фойдаланувчиларига қўшимча қулайликлар туғдираётир. Шу билан бир вақтда, пул ўтказмаларининг тезкор амалга оширилиши, уларнинг хавфсизлиги ва юқори бўлмаган хизмат ҳақлари — мазкур тизимга эҳтиёж борлигини исботлади. Банк филиалларидаги жамғарма кассаларда амалга оширилаётган халқаро пул ўтказмалари ҳам аҳоли эътиборини қозонди.

Бундан ташқари, банк мижозларга янада қулайлик яратиш ва ишончли хизмат кўрсатиш йўлида энг сўнгги замонавий технологияларни жорий қилмоқда. Хусусан, банкда мижозларга масофадан туриб кўрсатиладиган ўнлаб хизмат турлари — “Банк — мижоз”, “Интернет-банкинг”, “SMS-банкинг” сингари қатор дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мижозлар сонининг ошишига хизмат қилаяпти.

Юқоридагилардан англашиладики, банк ўзининг кенг қамровли хизматлари билан аҳолининг молия муассасаларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаб, иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш учун ресурс базасини кенгайтираяпти, пул оқимларини банк айланмасига кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилмоқда.

## Истиқболдаги устувор вазифалар

Маълумки, акциядорларнинг умумий йиғилиши акциядорлик банклари бошқарувининг олий органи ҳисобланади. “Ўзсаноатқурилишбанк” ўз акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишига фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича барқарор кўрсаткичларга эришган ҳолда етиб келди. У мамлакатимиздаги қудратли, салоҳиятли ва ишончли универсал тижорат банкларидан бири сифатида юртимиз молия бозоридаги етакчилик мавқеини янада мустаҳкамлаб бормоқда.

Аммо бугунги кунда қилинган ишларга холис, танқидий ва таҳлилий нуқтаи назардан қараш, истиқболни ўйлаб, дадил ва ишонч билан қадам ташлаш, эришилган ютуқлар билан кифояланмасдан, истиқбол сари интилиш зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида банк тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди. Қолаверса, давлатимиз раҳбари томонидан 2014 йил юртимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилинди. Унга биноан, Давлат дастури қабул қилинди. Табиийки, ҳаётий долзарб, мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берувчи бу вазифалар “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятида ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилади.




Кўриб турганингиздек, замонавий банк технологияларига таянган ҳолда, мижозларга тезкор, аниқ ва сифатли хизматлар кўрсатиш — “Ўзсаноатқурилишбанк”ка хос бўлган хусусиятлардир. Зеро, у ўз фаолиятини “Мижоз манфаати — ҳамма нарсадан устун” тамойили асосида амалга оширмоқда. Мижозлар, шериклар ва акциядорлар олдида зиммасига олган мажбуриятларини сўзсиз бажаришга устувор вазифа сифатида қараш аҳил ва ташаббускор жамоанинг фаолият мезони ҳисобланади. Шу боис “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг бутун мижозлари ҳамиша энг юқори, сифатли банк хизматлари кўрсатилишига ишонч ҳосил қилишлари мумкин.

Мухтасар айтганда, “Ўзсаноатқурилишбанк” ўз фаолиятининг барча йўналишларини Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигига қаратмоқда. Шак-шубҳа йўқки, бундан буён ҳам ана шу эзгу мақсадлар йўлида фаолият юритиш таъминланаверади.

**Фурқат САНАЕВ.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 569. 119 441 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5